

4 – SON / 2022 - YIL / 15 - DEKABR

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН БОШҚАРУВНИНГ  
БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Янгибоев Шахзод Икромжон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич курсанти сафдор

**Аннотация:** Уибу мақола орқали сиз, мавзусининг долзарблиги, предмети, обьекти, вазифалари, профилактика инспекторлари томонидан бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишининг тушунчаси, уибу фаолиятда жиноятларнинг барвақт олдини олишидаги аҳамияти, бугунги кундаги ҳолати, шунингдек уибу ҳамкорликдаги муамма ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиши бўйича бир қатор таклифлар ҳақида билиб олишингиз мумкин.

**Калит сўзлар:** предмет, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, бошқарувнинг белгиланган тартиби, тажовуз.

**ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОФИЛАКТИКИ ИНСПЕКТОРОМ ПО ПРОФИЛАКТИКЕ  
ПРАВОНАРУШЕНИЙ, НАРУШАЮЩИХ НОРМАТИВНЫЙ ПОРЯДОК  
АДМИНИСТРИРОВАНИЯ**

**Аннотация:** Благодаря данной статье вы узнаете об актуальности темы, предмете, объекте, задачах, понятии организации профилактики правонарушений, нарушающих установленный порядок управления инспекторами профилактики, о значении данной деятельности на ранней стадии предотвращение преступлений, текущая ситуация, а так же проблемы и недостатки данного сотрудничества и их устранение Вы можете узнать о ряде предложений.

**Ключевые слова:** субъект, профилактика правонарушений, установленный порядок действий, агрессия.

**ORGANIZATION OF PROPHYLAXIS BY THE PREVENTION INSPECTOR OF  
OFFENSES VIOLATING THE REGULATORY PROCEDURE OF ADMINISTRATION**

**Annotation:** Through this article, you will learn about the relevance of the topic, the subject, the object, the tasks, the concept of organizing the prevention of offenses that violate the established order of management by prevention inspectors, the importance of this activity in the early prevention of crimes, the current situation, as well as the problems and shortcomings of this cooperation and their elimination. You can find out about a number of offers.

**Key words:** subject, crime prevention, prescribed management procedure, aggression.

## **КИРИШ**

«Бошқарув» тушунчасининг мазмунини тушуниб олмасдан туриб ички ишлар органларида бошқарувни ўрганишни тасаввур қилиб бўлмайди. «Бошқарув» тушунчасининг умумий таърифини ишлаб чиқиш имконияти бошқарув одамларнинг ҳар қандай гурухий фаолиятига хослиги билан белгиланади. Бошқарув у ёки бу ижтимоий организм фаолиятининг объектив жиҳатдан зарурий шарт-шароити ҳисобланади. Бошқарув орқали якка шахсларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилади ва бирлаштирилади, вазифалар ҳал қилинади ва умумий мақсадларга эришилади.

«Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади»<sup>1</sup>.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ: давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш\_йўналишлари белгилаб берилди.

## **МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга кўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда қучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёsatининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида жамоат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т, 2017. 7-модда.

хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган.

2022-2023 йилларда туман ички ишлар органлари таркибидаги конвой бўлинмалари босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этилади ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг хукуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвакт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш. жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш орқали улар орасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш;

жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади<sup>2</sup>.

жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари ўзаро изчиллик ва бирликка асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўйилмайди фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди, ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳукуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди. Жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишини ташкил этади;

оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлайди, уларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширади, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлайди;

маҳаллаларда ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Профилактика инспектори томонидан бошқарувининг белгиланган тартибига тажовиз қилувчи ҳукуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиши билан ўзаро ҳамкорлигининг зарурий шартларга боғлиқдир:

Профилактика инспектори айнан шу хизматлар билан боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган функцияларни бажаради. Бундай функциялар ҳуқуқий тартиботни ва қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳукуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, уларни юзага келтирувчи шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат ягона вазифаларга қаратилган;

ягона вазифага қаратилган тадбирлар бир-биридан ажралмаган холда амалга оширилсагина самарали бўлиши мумкин;

Мазкур органларнинг фаолиятидаги ҳамкорлик бир хилликни ва тақориийликни истисно этади.

<sup>2</sup> Хўжақулов С.Б. Ҳукуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул мухаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 4 б.

Умуман олганда, ҳамкорлик бу фалсафий категория бўлиб, у турли хил обьектларнинг бир-бирига таъсир жараёнларининг бошқасига таъсир алмашинувини, бирининг пайдо бўлишига бошқасининг сабаб бўлишини ўзида акс эттиради. Профилактика инспекторининг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги вазифаларининг мураккаблиги, кўп қирралилигидан келиб чиққан холда, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг шакллари ва усуллари жуда кенг ва турли тумандир<sup>3</sup>.

**Ташкил қилиш.** Унинг моҳияти қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун аниқ чоралар ишлаб чиқиши ва уларни амалга оширишдан иборат. Ушбу чораларга қўйидагилар киради: ижрочиларни танлаш; топшириқлар ва уларни бажариш муддатларини ҳар бир ижрочига етказиш; ижрочиларни улар олдига қўйилган янги вазифаларни амалга оширишлари учун маҳсус тайёrlаш ёки қайта тайёrlаш; қўйилган мақсадларга эришиш усулларини танлаш; ижрочиларни моддий, молиявий ва бошқа жиҳатдан таъминлаш. Ташкил қилишнинг пировард мақсади бошқарув тизимида куч ва маблағларни энг кам сарфлаб, унинг мақсадларига эришишни таъминлай оладиган ташкилий муносабатларни шакллантиришдан иборат<sup>4</sup>.

Ташкилий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида таъсир кўрсатиш обьекти ёки бошқарув жараёнининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда танланадиган турли воситалардан фойдаланилади. Ушбу воситалар қаторига бошқарув тизими нормал амал қилиши учун зарур бўлган ташкилий муносабатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берадиган норматив хужжатлар (қоидалар) ва аниқ кўрсатмалар киради. Нормалаштириш орқали моддий ва инсоний ресурсларнинг зарур сарфи ҳам белгиланади. Нормалаштириш ташкилий воситалар тизимида алоҳида ўрин тутади, чунки амалда нормалаштирасдан туриб амалий ташкил қилишга эришиб бўлмайди<sup>5</sup>.

**Тартибга солиш** ижтимоий бошқарув иштирокчилари ўртасида юзага келадиган у ёки бу бошқарув муносабатларини белгилаш, ўзgartириш ёки тўхтатишга, уларнинг хатти-ҳаракатларини бошқаришга қаратилган ҳаракатлардир. Тартибга солиш туфайли муайян ташкилот сақлаб қолинади, бошқарув тизимининг турли элементлари ўртасида мавжуд бўлган алоқалар таъминланади, бошқарув обьектининг хатти-ҳаракатларидағи топшириқлар дастуридан чекинишлар ўз вақтида бартараф этилади. Тартибга солиш ёрдамида тизим бевосита оператив бошқарилади. Тартибга солишиз бошқарув обьекти белгиланган мақсадларга мувофиқ ҳаракат қилмайди.

Тартибга солишиш функциясининг зарурлиги бошқарув субъекти ва обьекти

<sup>3</sup> Хуқукбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўкув кўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. X. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 52 б.

<sup>4</sup> Хўжакулов С.Б. Хуқукбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул мухаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 4 б.

<sup>5</sup> Хуқукбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўкув кўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. X. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 52 б.

ўртасида мавжуд бўлган ўзаро алоқаларни муайян тартибда сақлаш, доимий таъминлаш, сақлаб қолиш ва такомиллаштириш эҳтиёжи мавжудлиги билан боғлиқ. Гап шундаки, ҳар қандай бошқарув тизими икки қарама-қарши тамойил (тенденция) таъсирида бўлади. Биринчи тамойил бошқарувнинг ташкилий тузилишини сақлаб қолиш ва тартибга солишдан иборат. Бунга бошқарув субъектининг мақсадли ҳаракатлари билан эришилади. Иккинчи тамойил ташкилотнинг бузилиши билан боғлиқ. Бу ҳол бошқарув тизимига кўрсатиладиган ташқи таъсиrlар ва унинг ўз фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ. Тартибга солиш функцияси айнан ҳам ташки, ҳам ички «галаён»ларни ўз вақтида бартараф этиш ёки уларни мавжуд бошқарув тизимига мослаштиришга хизмат қилади.

**Назорат қилиш** (контроль) амалда эришилган оралиқ ва пировард натижаларни қарор (режа)да назарда тутилган вазифа(лар) билан қиёслаш орқали ижронинг қабул қилинган қарорга мос ёки мос эмаслигини аниқлашга қаратилган ҳаракатдир. Бажарилган иш қўйилган вазифаларга қанчалик мос келишини доимий равишда кузатмай туриб, белгиланган чораларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди.

«Ижрони назорат қилиши» ишдаги камчиликлар ва хатоларни аниқлашнигина билдирамайди; бунда кўрсаткичларнинг ҳам пасайиш, ҳам кўтарилиш томонга ҳар қандай ўзгаришларини таҳлил қилиш муҳим; илғор, тараққийпарвар ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, унинг амалиётга кенг жорий этилиши учун имкон яратиш мақсадида ижобий тажрибани ҳам аниқлаш зарур. Назоратнинг мақсади тартиб бузилиши ёки камчиликларни аниқлашдангина иборат эмас, балки назорат қилинаётган объектга ўз вақтида тузатишлар киритиш, амалий ёрдам бериш маҳоратини ҳам ўз ичитга олади.

Назоратнинг ташкилий шакллари ва усуллари бошқарув тизимининг тузилиши ва жараёнига боғлиқ. Назорат қилинаётган объектнинг ташкил этилиш даражаси ва фаолият хусусиятига мос бўлган, ходимларни уларнинг амалий ишлари бўйича холисона баҳолайдиган назоратгина энг самарали бўлади<sup>6</sup>.

## **ХУЛОСА**

**Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишини белгилаб берувчи нормаларда мавжуд ҳукуқий бўшлиқни бартараф этишга қаратилган таклифлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 194-моддасини З-қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

**194-модда. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик.**

Фавқулодда ҳолат шароитида ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан

<sup>6</sup> Ҳукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. Х. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 52 б.

йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

2. Профилактика инспекторлари ахоли ўртасида бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи хатти харакатлар ҳақида умумий профилактиканинг чора тадбири ҳисобланган хуқуқий таргибот ишларини амалга ошириш.

3. Хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларни бартарф этиш бўйича тақдимномалар киритиш фаолиятини барча ваколатли давлат орган (мансадбор шахс) лар томонидан ўз ваколатларига тегишли бўлган хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларни аниқлаши, хамда бартараф этиш бўйича мутасадди корхона, муассаса, ташкилотларга тақдимномалар киритиш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 196-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаганлик учун назарда тутилган жазо миқдорини кўпайтириш шу орқали корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларининг масъулиятиини ошириш.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1) Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.;

2) Мирзиёев Ш.М. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – хуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир (Халқ сўзи, 15.11.2017);

3) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси: Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2022. – 504 б.

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи

5) “Жамоат хавфсизлигини таминлаш ва жиноятчиликка карши қурашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги боскичга кутариш чора-тадбирлари тугрисида” ги 6196-сонли Фармони

6) Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таминлаш ва жиноятчиликка карши қурашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича күшимча чора тадбирлар тугрисида 5050 сон карори.

7) Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.

4 – SON / 2022 - YIL / 15 - DEKABR

– Т.: Ўзбекистон  
2019. – 4 б.

Республикаси

ИИВ

Академияси,

8) Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. 148 б.

9) Хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниqlаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Д. М. Миразов, Ж. С. Мухторов ва бошк.; проф. Ў. Ҳ. Мухамедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 52 б.